# ЯНГИ АСР ЎЗБЕК ПАРЛАМЕНТИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Тўғри, аввалги сайловлар пайтида ваколат олган депутатлар ҳам, парламентчилик тажрибаси камлигига қарамай, миллий давлатчилигимизни тиклаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишимизни таъминлаш ишига муайян даражада ҳисса қўшди. Биз уларнинг хизматини инкор этиш, амалдаги парламентни камситиш фикридан йироқмиз. Бугунги депутатларимиз орасида элу юрт назарида бўлган, халқ, Ватан манфаати учун фидойи инсонлар борлигини ҳам яхши биламиз. Айнан ана шундай юртдошларимизнинг меҳнати билан истиқлол йилларида жамиятимиз тараққиётининг ҳуқуқий негизи яратилди ва мустаҳкамланди. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин биз олдимизга қўйган юксак мақсадларимиз моҳиятидан келиб чиқиб, миллий парламентчилигимиз борасида яққол кўриниб турган, эски тузум асорати сифатида миллий тараққиётимиз йўлида тўғаноқ бўлиб турган камчиликлардан ҳам кўз юмолмаймиз.

Эътибор қилинг, айрим депутатлар ҳали номзодлик даврида, сайловолди жараёнларидаёқ майда-чуйда юмушларга ўралашиб қолади: ўз сайловчиларига кўприк қуриб бериш, асфальт ётқизиш, хонадонларни газлаштириш, қишлоқ йўлларида «Мерседес» автобусларини юргизиб қўйиш каби соф хўжалик аҳамиятига молик ишларни ҳал этиш ҳақида қуюқ-қуюқ ваъдалар улашади. Сайловчилар ҳам «така бўлсин, сут берсин» қабилида иш тутиб, номзоднинг билими, сиёсий етуклиги билан қизиқиб ўтирмайди, балки айрим муаммоларни еча олиш борасидаги имконига қараб, кимга овоз бериш ҳақида хулоса чиқариб қўя қолади.

Энг ачинарлиси, ўша ваъдаларнинг аксарияти ваъдалигича қолиб кетади. Амалга ошиши мумкин ҳам эмас. Чунки депутат билан хўжалик раҳбарининг зиммасидаги вазифа — бутунлай бошқа-бошқа. Қолаверса, ҳар бир муаммони тушунадиган ўз мутахассиси, унинг ечими учун жавоб берадиган масъул ходими ёки раҳбари бор.

Бунинг устига, Ватан ва халқ тақдирига дахлдор, тоғдек улкан масъулият ва ваколатга эга бўлиш учун арзимас ваъдалар билан содда одамларнинг ишончига сазовор бўлишга интилиш бориб турган инсофсизлик, айтиш мумкинки, кўзбўямачилик эмасми? Бундай нохуш манзараларни демократик қадриятлар нуқтаи назаридан таҳлил этар эканмиз, бу қандай жамоа, қандай одамларки, арзимас бир юмушни деб, ўзининг фуқаролик ҳақ-ҳуқуқини, кенг маънода, ўз тақдирини масъулиятсиз бир одамга топшириб ўтирса, дея таассуф чекамиз. Аслида, шунча одамнинг ўзи бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ишга киришса-ку, муаммо ҳал бўлади-қўяди. Чаққон «номзод»ларнинг палағда ваъдаларига ҳожат ҳам қолмайди.

Бундай номақбул ҳолатларнинг сабаби маълум маънода — парламентнинг профессионал асосга қурилмагани билан ҳам изоҳланади. Шунинг учун ҳам қонун ижодкорлигининг асл билимдонлари — сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар эмас, балки хўжалик бошқарувини қўлда тутиб турган одамлар — корхона ва ташкилот раҳбарлари бугунги кунга қадар депутат бўлиш имкониятига кўпроқ эга бўлиб келди. Натижада парламентда тинимсиз меҳнат ва ижод қиладиган, сиёсий баҳс-мунозара юритадиган, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя этадиган депутатлар эмас, муҳокама этилаётган масалаларга лоқайд, қуруқ савлат тўкиб ўтиришни «иш» деб биладиган «сиймо»лар ҳам баъзан сайланиб қолмоқда.

Қандай масала муҳокама қилинишидан қатъи назар, апил-тапил овоз бериб, тезроқ «қутулиб кетиш»ни ўйлайдиган, баъзан зерикканидан уйқу элитиб қоладиган айрим оғиркарвон «ноиб»ларнинг лоқайдлиги, афсуски, халқнинг, жамиятнинг кайфиятига ҳам таъсир қилади. Энг ёмони — мамлакатимизнинг турли минтақаларига хос бўлган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим бўлган ҳуқуқий асослар қонун ҳужжатларида акс этмай қолади. Бундан нафақат ўша депутатни вакил қилиб сайлаган ҳудуд аҳолиси, балки бутун мамлакатимиз зарар кўради, умумий ҳуқуқий майдонда алақандай номутаносиблик вужудга келади. Яъни қабул қилинган қонун моддалари бир минтақа манфаатларини тўлиқ акс эттирса, бошқа минтақа манфаатларини қисман акс эттиради ёки мутлақо акс эттирмайди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов сессиядаги нутқида энди бундай аҳвол, эски замон асоратларига тоқат қилиб бўлмаслиги ҳақида куйиниб гапирди.

Халқимизда, қишнинг ғамини ёзда е, деган нақл бор. Модомики, парламентчилик борасида бугунги кун талаблари, келажак нуқтаи назаридан муаммолар бор экан, келгуси парламент сайловларигача янги, демократик, дунё андозаларига мос келадиган олий вакиллик идорасини тузиш ҳақида ҳозирданоқ жиддий бош қотирмоқ зарур.

Чунки бу вазифа бир-икки ойда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, халқимиз, жамоатчилигимиз фикрини чуқур ўрганиш зарур. Зеро, биз учун халқнинг хоҳиш-иродаси мудом фаолият мезони бўлиб келган. Қолаверса, бу янгиликни амалга ошириш бир неча муҳим сиёсий тадбирларни амалга оширишни, хусусан, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Сиёсий ҳаётимиздаги бу муҳим ислоҳот, аввало, бизнинг ўзимиз учун, халқимиз, унинг келажаги учун керак. Бинобарин, янги парламентни пухта ўйлаб, миллий тараққиёт манфаатларимиз тақозо этган шаклда барпо бўлишига эришиш — жамоатчилигимизга, айниқса, бу ўзгаришни амалга ошириши лозим бўлган ҳозирги парламентимиз зиммасига улкан масъулият юклайди.

Ишончимиз комилки, давлат қурилиши соҳасидаги бундай ўзгариш заруратини халқимиз ҳам, жамоатчилигимиз ҳам жуда яхши англаб турибди. Чунки ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган жамиятимиз мақсад-муддаолари барчага кундек аён ва жамиятдаги ҳамма ижтимоий табақалар манфаатига мос.

Биз ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, бу эзгу мақсадимизга жамиятнинг турли қараш ва манфаатларини тўлақонли акс эттира оладиган, замон талабларига жавоб беришга қодир парламентни шакллантирмасдан туриб эришолмаймиз. Шунинг учун Президентимиз бу масалани ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг энг муҳим шарти деб билмоқда.

Лекин бундан мақсад азбаройи бошқаларга ўхшаш ва улардан нусха кўчириш эмас, балки демократик тараққиёт талабларидан келиб чиққан, халқимизнинг сиёсий маданият борасидаги ўзига хос тажриба ва анъаналарини назарда тутган ҳолда, янги шаклдаги миллий парламентни шакллантиришдир. Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, бу парламент қуйи палата — Олий Мажлис ва юқори палата — Олий Кенгашдан иборат бўлади.

Қуйи палата, яъни Олий Мажлис турли сиёсий партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан таркиб топади. Унинг аъзолари сиёсатни, қонунчилик ишини ҳар томонлама тушунадиган профессионал депутатлар бўлади ва улар доимий асосда фаолият юритади. Шу тариқа ҳар бир сиёсий партия, ҳар бир ижтимоий-сиёсий куч ўзи сайлаган депутатлар тимсолида мамлакат ҳаётида кечаётган жараёнларга таъсир этиш имконига эга бўлади.



Сайловолди ва сайлов жараёнлари ҳам шунга мувофиқ равишда чинакам рақобат, чинакам кураш тарзида кечади. Чунки депутат бўламан деган одам, аввало, ўз партияси доирасида номзодлар рўйхатига кириш учун курашади. Бинобарин, унинг бор қобилият ва салоҳияти дастлаб мана шу босқичда синовдан ўтади. Кейин эса катта кураш — сайловолди жараёнлари бошланади.

Бундай тизим шароитида сайловчилар ҳузурига чиқиб, турли ваъдалар билан «мени сайланг» деб халқнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирадиган номзодларнинг «номери» ўтмайди. Бундай «дастур» билан сайловчилар ҳузурига борган номзод, аксинча, ўзини ҳам, унинг номзодини кўрсатган партияни ҳам шарманда қилиб қўяди. Негаки, бугун халқнинг онгу шуури тамоман бошқача.

Шаҳарни қўя турайлик, ҳатто олис-олис қишлоқларда ҳам одамлар тадбиркорлик, фермерлик фаолияти натижасида мустақил иш юритишга ўрганиб бормоқда. Қайси соҳада қандай муаммо бор, уларни ҳал этиш учун нималар қилиш керак — булар ҳақида ўзлари мустақил фикр юрита олади. Улар бўлғуси депутатга **«Оғайни, эскидан қолган маталингни қўй, яхшиси, бизларга бюрократик тўсиқларни йўқотишга асос бўладиган ҳаётий қонунлар яратиб бера оласанми, шунга билиминг, тажрибанг етадими, зарур бўлса, жасорат билан, ўз шахсий манфаатингдан воз кечиб, ўз қарашингни ва бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қила оласанми?** Шуларни уддалашга қурбинг етса, ҳалолинг бўлсин, ҳаммамиз сенга овоз берамиз. Сен қонунларни тўғри йўлга солиб берсанг бўлгани, қолганини ўзимиз эплаймиз: мактаб ҳам, боғча ҳам, асфальт ҳам, кўприк ҳам бўлади», деб айтади.

Дарҳақиқат, сайловчига ундоқ қилиб бераман, бундоқ қилиб бераман дейиш, уни фақат истеъмолчи деб ўйлаш, аслида, уларнинг куч ва имкониятларини, бунёдкорлик қобилиятини камситиш эмасми?

Парламентчиликнинг янги шакли ана шундай ҳолатларга ҳам барҳам беради. Яъни сайлов жараёнида ғирром, алдов имкон қадар кам бўлади. Чунки партиялар сайлов жараёнида бир-бирини назорат қилиб боради. Улардан қайси бири зарур миқдордаги ўринларни эгаллаб, парламент фракциясини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлса, кейин сайловолди курашларида олға сурган дастурий ғояларини қонунлар орқали амалга оширишга киришади. Табиийки, улар эски усулда сайланиб олган депутатларга ўхшаб, лоқайд ва фаолиятсиз ҳолда ўтира олмайди. Борди-ю, шундай қилса, рақиблари — бошқа фракциялар вакиллари унинг ва партиядошларининг камчиликларини фош этиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олади. Бу эса ўша партия учун обрў келтирмайди, албатта. Чунки халқ, сайловчилар парламент мажлисларини телевизор орқали мунтазам кўриб, ҳар бир партия, ҳар бир депутат фаолиятини холис баҳолаб боради.

Шунинг учун ҳар бир депутат сиёсий маданият илмини, қонуний кураш, баҳс-мунозара йўлларини пухта эгаллаши лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, у бутунлай янгича қиёфадаги инсон бўлади, ўз халқи ва Ватани тараққиётини энг мукаммал қонунлар яратиш орқали таъминлаш учун кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилади. Янгича парламентчилик ғояси шуни тақозо этади.

Парламентнинг юқори палатаси — Олий Кенгаш жойлардаги маҳаллий кенгашлар — халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг умумий таркибидан сайланиб, вакил қилиб юборилган ноиблардан ташкил топади. Буни икки босқичли сайлов асосида шаклланувчи палата ҳам дейиш мумкин. Яъни, аввало, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари тўғридан-тўғри бўладиган сайлов асосида шаклланади. Сўнгра улар муайян ҳудуднинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини белгилаб, қонунда кўзда тутилган миқдорда депутатларни сайлаб, мамлакат парламентининг юқори палатаси — Олий Кенгашга вакил қилиб юборади. Уларни сайлашда ҳам ҳар бир депутатнинг шу ҳудуд муаммоларини нечоғлик билиши, ўз нуқтаи назарини ўтказа олиш қобилияти, энг муҳими, ўз элига фидойилиги ҳисобга олинади, албатта.

Шунинг учун аввалги даврларда бўлгани каби, сессия тугар-тугамас «хўжалик ишлари қолиб кетди», дея отни суриб қоладиган «депутат»ларга бу янги тизимда ўз-ўзидан ўрин қолмайди. Чунки бу палатага ҳам ҳаётини қонунчилик фаолияти билан боғлаган, менинг ўрним мана шу ерда, мен фақат мана шу ишдан обрў-эътибор топишим, туманим, вилоятим, пировард натижада юртимга фойда келтиришим мумкин, дея яшайдиган малакали одамларгина сайланади.

Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтган яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, юқори палата депутатлари мамлакатимиз маъмурий ҳудудлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан, вилоят ҳудуди каттами-кичикми, аҳолиси кўпми-озми — бундан қатъий назар, тенг миқдорда сайланади. Бу — адолатли ва оқилона қоида. Зеро, каттами-кичикми — ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос манфаати бор ва бу манфаат барча томонидан бирдек эътироф этилиши ва ҳурмат қилиниши шарт. Юқори палатанинг шаклланиш тамойили замирида айнан ана шу ғоя мужассам.

Хўш, миллий парламентчилигимиз борасида кўзда тутилаётган бу янгиланишлар келажак тараққиётимизда қандай аҳамият касб этади?

Биринчидан, бу ўзгаришлар миллий давлатчилигимиз қурилиши демократик талабларга тўлиқ мос бўлишини таъминлайди. Бу янгиланиш бизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз аниқ амалий самаралар бераётганини дунё аҳлига яна бир карра намоён этади. Айрим тирноқ остидан кир қидирувчи кимсаларнинг даъволари пуч эканини, биз демократик эркин жамият сари, ўзимиз танлаган тамойилларга содиқ қолган ҳолда, босқичма-босқич, айни вақтда изчил қадам ташлаётганимизни яна бир бор исботлаб беради.

Иккинчидан, янги шаклдаги миллий парламент қонунчилик фаолияти самарасини оширади, унга янгича маъно-мазмун бахш этади. Албатта, қилни қирқ ёрадиган сиёсатчи ва ҳуқуқшунослар ишлаб чиққан, профессионал парламент қабул қилган қонунлар сифат жиҳатидан мутлақо бошқача бўлади.

Учинчидан, янги шаклдаги парламент халқимиз учун чинакам демократия мактабига айланади. У халқ онгида батамом янги — демократик руҳдаги сиёсий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Чунки бу юксак минбардан жамиятимиздаги турли ижтимоий қатламларнинг қараш ва манфаатларини акс эттирадиган фикрлар, ранг-баранг ғоялар ўртага ташланади, тортишув, баҳс-мунозаралар бўлади. Ана шу баҳсларда туғилган ҳақиқат қабул қилинган қонунлар шаклида ягона миллий мақсад — **озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт** барпо этиш учун хизмат қилади. Халқ ўзи сайлаган ноиблар тимсолида ўз фикрини эркин ифода этиш, бошқаларнинг қарашларини ҳурмат қилиш, сиёсий сезгирлик ва ҳушёрлик, Ватан ва халқ манфаатлари учун фидойилик каби фазилатларни ўрганади, сиёсий тафаккури янада юксалади.

Тўртинчидан, янги парламент жамиятдаги турли сиёсий кучлар ва ҳудудлар манфаатлари моҳияти бир-биридан фарқ қилишини англаш, уларнинг ҳар бири учун мустақил намоён бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, уларни рўёбга чиқариш учун алоҳида-алоҳида ёндашувларга эришишнинг амалий шакли бўлиб қолади.

Бешинчидан, янги шаклдаги миллий парламент, маъно-моҳияти жиҳатидан демократия ва дунё андозаларига тўла мос бўлгани боис, бошқа мамлакатлар билан парламент алоқаларини янада ривожлантириш имконини беради. Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширади.

Хуллас, Президентимиз томонидан илгари сурилган янги парламентчилик ғояси улкан аҳамиятга эга. Энг муҳими, у халқимизнинг ғурур-ифтихорини янада юксалтиради, унинг қалбидаги, тараққий этган халқлар етишган марраларга биз ҳам албатта эришамиз, деган ишонч-эътиқодни янада мустаҳкамлайди.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаб ўтган муҳим бир фикрни ёдда тутмоғимиз лозим. Нега янги шаклдаги парламентчиликка ўтиш ғояси айнан тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида кун тартибига қўйилмоқда? Бунинг сабаби шундаки, **бугунги кунда халқимизнинг сиёсий маданияти ўсиб, юксалиб, ўзининг хоҳиш-иродасига монанд, орзу-умидларини тўла ифода этадиган замонавий янги парламентни сайлаб олиш даражасига етди.** Энди эскича қарашлар, эскича бошқариш усуллари кифоя қилмай қолди. Уйғонган, ёруғ келажак сари интилаётган халқимизга ана шу буюк мақсадларига муносиб парламент зарур.

Дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар давлатчилик тажрибасига назар солсак, уларнинг аксариятида олий ижро ҳокимияти бошлиғи — Президент, Бош вазир имкон қадар бироз муросасоз, бироз итоаткор парламент билан ишлашни орзу қилиб келгани, айримлари ҳатто кучли парламентлардан безор бўлиб, улар билан ҳар хил зиддиятларга борганини ҳам кўришимиз мумкин. Бизда эса, аксинча, кучли парламентни шакллантириш давлатимиз бошлиғининг олий мақсади, улуғ ниятига айланмоқда.

Лекин Ватанимизнинг истиқлол тарихидан хабардор бўлган одам бундан сира ажабланмайди. Чунки Президент Ислом Каримов — миллий давлатчилигимизнинг бугунги асосчиси, мустақил Ўзбекистоннинг Бош меъмори. Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ зўр ишонч билан «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» дея унинг тақдири ҳақида тинимсиз бош қотириб келаётган фидойи Юртбошимиз мустақил давлатимиз ҳар жиҳатдан кучли ва қудратли, эркин ва демократик давлат бўлишини истайди. Бу олижаноб саъй-ҳаракатлар замирида юқорида зикр этилган ғоя — биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳам албатта жаҳонга ўз сўзимизни айтамиз, деган улуғвор, ҳаётбахш ғоя мужассам.

Президентимиз мудом шу юрт, шу Ватан, шу халқ ва миллат саодати учун курашиб, бу борада барчамизга ибрат бўлиб келмоқда. Бугун мана шу озод Ватан фуқароси, унинг бағрида эмин-эркин яшаб, бебаҳо неъматларидан баҳраманд бўлаётган фарзанд сифатида яна бир ҳақиқатни холисанилло эътироф этишимиз лозим: XXI аср бўсағасида, буюк тарихий ўзгаришлар остонасида Йўлбошчимиз халқимизни янада дадил, янада мардона қадамлар билан олға бошламоқда. Мақсад — янги асрда Ўзбекистонимизни янги бир мақомда — ривожланган, адолат устувор бўлган мамлакатлар қаторида кўриш. Янги парламент ғояси — ана шу буюк мақсад йўлидаги улкан қадамдир.

**Аҳмад ХЎЖА,**
**Муртазо ҚАРШИБОЙ.**

# ХАЙР, НАМАНГАН, АССАЛОМ, БУХОРО!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатди. Универсиада янги-янги чемпионларни кашф этди, спортда эришилган марраларни бойитди, куч, маҳорат ва эпчиллик бобида якто бўлган ғолибларни олтин, кумуш, бронза медалларига соҳиб этди.

Баҳсларда энг кўп медални Наманган вилояти вакиллари қўлга киритишди. Стол тенниси беллашувларида ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Севара Қодирова ғолиблик қилган бўлса, Фарғонача курашда Довудхон Баҳодиров, Григорий Ступеков, Шуҳрат Бозоровлар рақиблари курагини ерга теккизиб, олтин медал соҳиби бўлишди. Енгил атлетика устаси Екатерина Кремлёва, халқаро курашда Аюб Камолов ва бошқа кўплаб маҳоратли ёшларнинг чиқишлари вилоятнинг ўсиб бораётган спорт салоҳиятидан нишона. Пойтахтдан ташриф буюрган «Тошкент-1» жамоаси вакилларининг кўрсаткичлари ҳам уларникидан қолишмайди. Биргина енгил атлетика мусобақаларида 8 та олтин медалга эга бўлган тошкентликларнинг бошқа турлар бўйича натижалари ҳам чакки эмас. Сўнгги сарҳисобга кўра, умумжамоа ҳисобида наманганликлар биринчи, «Тошкент-1» жамоаси иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллаб, «Универсиада-2000»нинг ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

Шу куни кечқурун марказий «Навбаҳор» стадионида «Универсиада-2000» мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Наманган давлат университети талабаси Гулбаҳор Муҳиддинова анжуман қатнашчиларининг Президент Ислом Каримовга мурожаатини ўқиб эшиттирганида, бутун стадион олқишлардан ларзага келди. Шундан сўнг универсиада ғолибларига, Юртбошимизнинг махсус совринлари — «ТИКО» автомобиллари тантанали суратда топширилди. Куч, маҳорат, чаққонликда етук бўлган 15 нафар талаба майдондан юксак мукофот — енгил автомобилларни миниб чиқиб кетди. Тақдирлаш маросимидан кейин республика санъат усталари катта концерт дастурини намойиш этдилар.

Универсиада байроғи туширилади. Навбатдаги шундай тадбир Бухоро шаҳрида ўтказилиши эълон қилинади. Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусеновга универсиада байроғини топширади.

Республика талаба ёшларининг биринчи универсиадаси ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари жисмоний ва маънавий камолот синовидан муваффақиятли ўтдилар. Юртбошимизнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, эл-юрт равнақи йўлида, қайси соҳада меҳнат қилишидан қатъий назар, спорт уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлиб қолади.

**Ўз мухбирларимиз.**

# ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАЙЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов бошқарди.

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш бўйича ишчи гуруҳининг раҳбари З.Мирхўжаев хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва микрокредитлар ажратишга доир ишлар бўйича ҳисобот берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2000 йил 21 мартдаги Фармонига асосан, республика тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳам халқаро молиявий ташкилотлар, ҳам ўз маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш учун махсус жамғармалар ташкил этиш жараёни фаол олиб борилмоқда.

Айни пайтда, йиғилишда қайд этилганидек, хусусий банклар кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш жараёнига етарлича жалб этилмаган. Аслида тижорат банкларига хусусий тадбиркорликни молиялаш учун ўзларига берилган имтиёз ва имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликларини молиялаш учун кредит портфели таркибини такомиллаштириш, халқаро молиявий институтлар кредитларини фаолроқ ўзлаштириш вазифалари топширилган эди.

Тошкент вилояти фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратишнинг бориши алоҳида кўриб чиқилди. Тошкент вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли микрокредитлар ажратиш Вазирлар Маҳкамасининг "Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 4 мартдаги қарори доирасида амалга оширилмоқда. Дастлабки натижалар фақат куздагина маълум бўлса-да, ҳозирданоқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун молиялашнинг бу шакли нечоғлик самарали эканлигини кўриш мумкин. Йиғилишда бу тажрибани бошқа бир қатор вилоятларда ҳам оммалаштиришга қарор қилинди.

Тадбиркорларнинг илғор хорижий технологиялардан янада кенгроқ фойдаланишларига эришиш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва маҳаллий ҳокимият идораларига мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган ва хорижий мини-технология ҳамда ускуналарнинг доимий ва кўчма кўргазма-савдосини ташкил этиш вазифаси топширилди.

Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши тўғрисидаги ахборотни тинглади. Ушбу ҳудудларда Адлия вазирлиги вакиллари томонидан ўтказилган текширувлар давомида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир ҳукумат қарорларини ижро этмаслик ва бу борадаги қонунчиликка риоя қилмаслик ҳоллари мавжудлиги аниқланди. Бунга асосан корхоналарни рўйхатга олиш муддатини асоссиз равишда чўзиб юбориш, улар фаолиятини қайта-қайта рухсатсиз текшириш, ер майдонларини ижарага олиш тўғрисида шартномалар тузишдаги тартиббузарлик ҳолларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу тадбиркорлик йўлида сунъий ғовлар яратилишига олиб келади. Мазкур ҳудудларнинг маҳаллий ҳокимият идораларига мавжуд вазиятни ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў.Исмоилов иштирок этди.

**(ЎзА).**



*Бойсун туманидаги «Малика» хусусий корхонаси дастлаб ташкил этилганида, республика «Бизнес-фонд»ига кўмак сўраб мурожаат этилганди. Ишбилармонларнинг истаги маъқулланиб, тегишли маблағ ажратиб берилди. Сармоянинг унумли сарфланиши натижасида корхона қисқа муддатда ўзини тиклаб олди. Тикувчилик цехи яхшигина фойда келтира бошлагач, олинган қарз ҳам қайтарилди. Айни пайтда тадбиркорлар корхона қошида чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи янги тармоқ очиш ниятидалар. У ишга тушгач, ҳозирда 50 нафардан иборат бўлган ишчи-хизматчилар сафи янада кенгайиши турган гап.*

**СУРАТДА: корхонанинг чевар тикувчиси Наргизахон Бобоева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ТАЪЛИМ — ДАВЛАТ ЭЪЗОЗИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

этиш йўлида фидойилик кўрсатдилар. Гарчи, замоннинг зайли билан ушбу дорилфунун турли ўн йилликларда «САГУ», «ТошДУ» деб аталган, унинг фаолияти шўро тузумининг сиёсати ва мафкураси измига олинган бўлса-да, лекин бу олий таълим даргоҳи халқимизнинг маданий-маърифий ривожланишида катта рол ўйнади. Шу олий ўқув юрти ва унинг кадрлари манбаида умуман республикада олий таълим тизими шаклланди ва тармоқ ёйди. Унинг талабалари орасидан халқимизнинг кўпгина сиёсий ва ижтимоий арбоблари, халқ хўжалиги, илм-фан ва маданиятнинг улкан намояндалари етишиб чиқди. Ҳозирги кунда ҳам университет кадрлари турли вилоятларда мустақил Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маърифий соҳаларида куч-ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Президентимиз юқори нуфузли бу олий таълим марказининг мамлакат маънавий ва маърифий ҳаётидаги юксак мавқеини янада мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақомини бериш тўғрисида» 2000 йилнинг 28 январдаги Фармони, шу маънода, тарихий аҳамиятли давлат ҳужжати ҳисобланади. Ушбу Фармон университетнинг Ватанимиз, миллатимиз ҳаётида тутган юксак ўрни ва аҳамиятига доир тарихий ҳақиқатни тиклади. Ниҳоят, ҳукумат Қарори Президентимиз Фармонини бажариш юзасидан қўйилган янги амалий қадам бўлди.

Мазкур қарорда фақат университет ўқитувчилари таркиби эмас, балки талабаларнинг ҳам ижтимоий манфаатлари ҳимоя қилиниши кўзда тутилган. Иккинчидан, шуни айтиш керакки, гап фақат Миллий университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларини моддий рағбатлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлардагина эмас. Муҳими шундаки, Қарорда айтилганидек, давлат томонидан ва университет ҳузурида ташкил этиладиган Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармасининг маблағ воситалари умуман мазкур олий ўқув юртининг мамлакатимиздаги таълим тизимини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашдаги ролини янада ошириш мақсадларига йўналтирилади. Масалан, ўқишда ва ўқитувчилик фаолиятида эришилган муваффақиятлар моддий рағбатлантиришда бош мезон қилиб олинади, шунингдек, университет ҳузурида иш бошлайдиган Жамғарма тушумлари бу даргоҳда ўтказиладиган маърифий, маънавий ва маданий тадбирларни фаоллаштиради, ўқитувчилар ва талабаларни жисмоний жиҳатдан ривожлантириш ҳамда соғломлаштиришга доир тадбирлар мажмуаси амалга оширилади, университет кутубхонаси захираси янгиланади ва бойитилади, ўқув бўлинмаларининг моддий-техник базаси кучайтирилади. Бир сўз билан айтганда, қарор Миллий университетимизнинг ҳар тарафлама ривожланиши учун шароит яратади.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчиларини, кўп минг сонли талабаларини чин дилдан табриклаймиз ва ишонамизки, Президентимиз ва давлатимизнинг юксак ишончи ҳамда эътибори Миллий университетимиз жамоатчилигини Ўзбекистоннинг озод ва обод келажагига муносиб, баркамол янги авлодларни тарбиялаб етиштиришдек улуғвор ишда янада руҳлантириши шак-шубҳасиздир.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УНИВЕРСИАДА, ТАРИХИЙ УНИВЕРСИАДА



**Махсус мухбирларимиз О. Ражабов ва Қ. Нажмиддинов Намангандан хабар қиладилар**

Наманганни гуллар диёри, дея таърифлашади. Лекин шу кунларда бу вилоятга ташриф буюрсангиз, нафақат гуллар, балки катта спорт, санъат ва маданият масканига келиб қолганингизга ҳеч иккиланмайсиз. Энг аввало, замонавий спорт иншоотларидан кўзингиз қувнаса, иккинчидан, «Универсиада - 2000» талаба ёшлар анжуманининг нечоғли юксак савияда ўтаётганидан кўксингиз ғурурга тўлади.

Алоҳида таъкидлайдиган яна бир жиҳати, яқин ва узоқ хорижий давлатларда асосан профессионал спортга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда юртимизда спортни оммавий ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Хўш, бундан кўзланган мақсад нима? Ҳар бир инсонда ўз саломатлиги хусусида шахсан қайғуриш маданиятини ёшликдан оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида шакллантиришдир. Универсиада ёшлар турмуш тарзида айнан мана шу кўникмаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган оммавий спорт мусобақасидир.

Олдин ҳам таъкидлаганимиздек, «Универсиада-2000» кичик олимпиадага тенглаштирилди. Зеро, ҳеч қандай ҳис-муболағасиз айтишга ҳақлимизки, тадбирнинг ташкилий томони, иштирокчиларнинг уюшқоқлиги, савияси, фақат ғалаба учун, шаън учун бор маҳоратларини ишга солишга интилишлари халқаро олимпиададан асло қолишмайди.



Ишонмайсизми? Биргина мисол. Барча олимпиада ўйинлари даврида унинг махсус шаҳарчаси бўлади. Буни биласиз, албатта. Бизнинг универсиадамизнинг ҳам ана шундай маскани бор. Бу ерда ҳар куни тонгда давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилади. Ана шу жараён пайтида 1500 талаба универсиада иштирокчилари бир чизиққа саф тортади. Бугун мусобақада ғолиб бўлса, эртага мағрур ҳилпираётган ана шу байроқ остида халқаро майдонда жавлон уришини юракдан ҳис қилади.

Кўрдингизми, универсиада беллашувлари шундай юксак туйғуларни қалбга жойлаш билан бошланади. Демак, бу ёшлар фақат ва фақат эл-юрт тинчлиги, мамлакат тараққиёти, келажаги буюк Ватани учун яшайди. Демак, бу ёшлар турли оқимлар таъсирига тушмайди. Демак, бу ёшлар соғлом фикрлайди.

«Универсиада-2000» – кичик олимпиада шаҳарчаси бўлмиш Чортоқни таниб бўлмайди. У спорт анжумани боис қайта таъмирлангани учун эмас, балки чин маънодаги спорт шаҳарчасига айлангани учун. Бунда ҳар куни олдиндан тузилган режа асосида маданий тадбирлар уюштирилади. Кундузи спортнинг тўққиз тури бўйича беллашган талабалар кечқурун мушоира қиладилар, ҳозирги адабий жараён хусусида баҳсга киришадилар, дунёда бўлаётган воқеаларга муносабат билдирадилар, рақс тушадилар, қўшиқ айтадилар... Хуллас, Чортоқдаги етти кун уларнинг ҳаётида алоҳида саҳифа бўлиб очилиши шубҳасиз. Хуллас, бу универсиада тарихий бўлиб қолади. Ёхуд шоир Зиёвиддин Мансур таъбирича:

***Универсиада,***
***Тарихий Универсиада!***
***Сен табаррук***
***остона бўл,***
***Универсиада!***
***Холисликка чин***
***она бўл,***
***Универсиада!***
***Орзуларнинг***
***рўёби бўл,***
***Бўлмагин армон...***
***Баҳслар ичра***
***дурдона бўл,***
***Универсиада!***
***Зиёбахш бўл,***
***Навобахш бўл,***
***Сафобахш бўлгин,***
***Йўлда мангу***
***равона бўл,***
***Универсиада!***

**СУРАТЛАРДА: тантаналар оғушидаги майдон; Гулистон давлат университетининг талабаси Покиза Аширова «Универсиада-2000» дастуридан ўрин олган енгил атлетика мусобақаларида қатнашаяпти.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА), Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.**

# БАЙРАМНИНГ БУЛБУЛ ОВОЗИ

Байрам Матчоновни у туғилган юрт – Қўнғиротдан Кўкчатовгача, олис-яқин диёрларда қўшиқ мухлислари яхши билишади, қадрлашади. Унинг Ажиниёз қаламига мансуб «Гўзаллар», Ибройим Юсупов шеъри билан айтиладиган «Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг» тароналари кечаги ва бугунги авлоднинг қалб розига айланган.

Куни кеча Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театрида Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Бошқирдистон Республикалари халқ артисти, Ҳамза ҳамда Бердақ номидаги Давлат мукофотлари соҳиби Байрам Матчоновнинг ижодий ҳаётига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Кечада сўзга чиққанлар таниқли ҳофизнинг шарафли умр йўли ҳақида гапиришди.

Театр саҳнасида хонанданинг булбул овози яна янграб, дилларга хуш кайфият улашди. Узоқ йиллар бу тарона тинмагай!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Авесто»нинг 2700 йиллиги олдидан*

# АЛП ҚИЗЛАР ТИМСОЛИ

Юртимизда туғилган Зардўшт пайғамбар бир неча минг йиллар илгари ўз таълимоти билан Шарқ ва Ғарб халқларини ҳайратга солган эди.

Ўша даврда оташпарастлик ибодатхоналарида нафақат диний маросимлар ижро этилган, балки бу ерда фалакиёт, тиббиёт, табиат ва фалсафага оид илмий ишлар ҳам олиб борилган.

Инчунин, аждодларимиз томонидан яратилган «Авесто» китоби ўзининг теран фалсафий ва илоҳий мазмуни билан нафақат қадимда, балки бугунги кунда ҳам инсоният тафаккур аҳлини мафтун этиб келмоқда.

«Авесто»да баён этилишича, ҳар икки олам яратувчиси Аҳурамаздо томонидан яратилган етти тангрининг бири, сув маъбудаси Ардвиссура Анаҳито алоҳида қудрат, шавкат ва салобат соҳибаси. Буни биз Яздонинг Анаҳитони тўрт оқ от қўшилган файтунда заминга йўллаганида пайғамбар Спитамон Зардуштга мурожаатидаёқ яққол ҳис этамиз. «Эй, Спитамон Зардўшт! Ҳамма ер ҳукмфармо, дармонбахш, девларнинг танобини тортиб қўядиган, Ахуро динига эътиқодли Ардвиссура Анаҳитони менинг хоҳишим-ла эъзозла! У моддий оламда мадҳ ва олқишга сазоворлардандир. У яхшиликлар келтирувчи, моллар ва қўйларни кўпайтириб, кишиларни яшнатувчидир; дунёни яхшиликка яйратади».

Аслида «минг шохобча ва минг анҳорли дарёи Фарохи Карт (Амударё) соҳибаси» Ардвиссура Анаҳитога ҳамиша икки соҳилдаги юртларни, боғу роғлар, зироаткорлик, чорва молларини сувдан сероб қилиб туриш, дарё ва каналларда сувнинг ҳамиша тошиб-тўлиб оқиб туришини таъминлаш юклатилган, Аммо хилқати поклик, яхшилик, софлик ва нур билан йўғрилганлиги учун ер юзида яхшиликнинг барқарор бўлишига интилади, тангри бандаларининг мушкулини осонлаштиради: «У ҳамма эркакларнинг тухмини пок этади, ҳамма аёлларнинг туғишини осонлаштиради, барча аёлларнинг кўкракларида сут пайдо қилади».

Бугина эмас, у мамлакат, шаҳар, қишлоқ ва ҳар бир хонадонга нигоҳбонлик, паноҳбахшлик қилади; софдил, динида собитқадам, некбин ва некдил одамларга доир хуррам ва шодмон бўлишини таъминлайди. Бунинг учун эса, халқ унга баланд овоз билан ўқилган хушбахтлик намози-ла жавоб беришлари керак. Шунинг учун у бир хил зотли 4 оқ оти билан ҳаёт, поклик, хуш- ахлоқ, яхшилик, унибўсиш душманлари бўлмиш девлар, бутпарастлар, жодугарлару парилар — барча аҳриманкирдорларга қарши курашади.

Ардвиссура Анаҳитонинг бу ҳаётбахш файзию зафар келтирувчи қудрати наздида лол қолган уламою пайғамбарлар, зодагону шаҳзодалар, жаҳон паҳлавону шоҳлар ўзларининг вафодорликларини, собит эътиқодлари, ҳалоллигу хушхулқликлари, халққа, шаҳару мамлакатларига фидойилик билан қилган хизматлари билан намойиш этадилар. Дарёю ариқларнинг ҳамиша сероб, чорва молларини серпушт, аёлу эркакларини поктийнат, барчани маздопарастликда қойим кўрган Ардвиссура Анаҳито бутун фикру зикрини бандаларнинг хоҳиш ва илтижолари ижобат бўлишига қаратади. Ўзларини Хурмузд жонфидолари деб билган баъзи зодагон ва уламолар Ардвиссура Анаҳито қошига ҳар хил илтижолар қилиб, инъом-эҳсон, қурбонликлар қилиб келадилар. Агар улар яхши ният билан, халқ, эл-юрт, инсоният манфаатларини кўзлаб, тоза хулқ билан келган бўлсалар, уларнинг хоҳиши ижобат бўлади: юрт ободлигию эл фаровонлиги, осойишталиги энг олий мақсаддир.

Биринчи бўлиб унга Зардўшт мурожаат этади: унинг нияти, девсийрат, ёлғончи, фирибгар, бедиёнат, эътиқодда нособит, бутпарасту ашёпарастлар уруғини қуритиб, юртда поклигу софлик, яратувчилигу ижодкорлик дини — маздопарастликни тантана қилдириш.

«Зардўшт ундан сўрайди:

— Эй, Ардвиссура Анаҳито! Эй, яхшиларнинг яхшиси ва эй, жаҳонпаҳлавон! Мен — Пурушаспнинг ўғли шуни истардимки, барча халойиқ янги динни қабул қилишса, фақат диндан сўз юритиб, ҳамма хатти-ҳаракатларида имон-эътиқодли бўлишса.

Ҳамиша жасорат ва шижоатлигу очиқ қўлликни ёқтирадиган, диний аҳкомлар пешкаш қилувчини эъзозлайдиган Ардвиссура Анаҳито унинг истагини бажо келтиради».

Натижада буюк Ахуро эллар дилини янги дин нури билан мунаввар этди — барча халқлар маздопараст бўлдилар.

Шундан сўнг Жамшид етти иқлимга шоҳ бўлиб, халқни фаровон, юртни обод этиб, илму донишни равнақ топтиришни, Тахмурос барча газандалар, иблис, жодугарлар, Мозандарон девлари устидан музаффар этишни, Фаридун эса уч қоринли, уч бошли, олти кўзли, девсийрат газанда, чаққону забардаст, юртини хароб қилиб, жаҳон аҳлига қирғин келтирган Ажи Даҳакни забун этиб, унинг ҳарамидаги мазлума Савсангхук ва Арнавак номли маликаларни озод этишда қудрат бахш этишни сўрайдилар. Ардвиссура Анаҳито уларнинг бу истагини бажо келтиради. Айни пайтда Ажи Даҳак (Заҳҳок) «Бурий сарзаминида унга юз от, мингта мол ва ўн мингта қўй пешкаш қилиб, етти кишварда яхши одамлар уруғини қуритишда мададкор бўлишни сўрайди». Унинг истаги инсониятга зид бўлгани учун рад этилади. Шунингдек, бошқа бир гуруҳ босқинчи ва талончи, бойликка ружу қилган шоҳларнинг илтижолари ҳам ижобат бўлмайди. Шуниси диққатга моликки, барча шоҳлар Ардвиссура Анаҳитога Элбурс, Дамованд, Ҳамованд, Помир, Тиёншон тоғлари этакларида ёки Детиё, Хирманд, Амударё сингари аниқ жойларда мурожаат қиладилар, мамлакатлар, ҳудудлар тарихан мавжуд жўғрофий атамалардир.

Шунингдек, Ардвиссура Анаҳито шаҳзодалар, жаҳонпаҳлавонлар, эл-юрт пушти паноҳлари бўлмиш адолатли шоҳлар, баҳодирларга ҳам оғир дамларда мададкор бўлади: у ҳамма ерда эл-юрт пушту паноҳи, дардманд, маҳзун, хушҳулқу поксийрат бандаларга кўмак учун ҳозиру нозир. Замину замонни ларзага келтириб, халқни, Ватанни бало-қазодан, аждару девлардан ҳимоя қилиб, енгилиш нималигини билмаган Гершаспни, Гандрави Зарринпошни кўп танг қилади, таҳликага солади, Жаҳонпаҳлавон Ардвиссура Анаҳитодан «бу газанда устидан зафар қозонишни» илтижо қилади. Натижада Гершасп Гандрани қатл этиб, «Гуйистон заминида» осойишталик ўрнатади: Кайхусрав у бахшида этган қудрат билан «муттасил давом этган жангларга» барҳам бериб, юртда тинчликни таъминлайди: одамларга зиён етказадиган «ситамкор гўйлар, карплар, жодугару париларни» ер юзидан йўқотади, ҳатто Ардвиссура элсеварлик, ватанпарварлик руҳидаги, ер юзидан разолат ва душманлик кучларини йўқотиш учун бел боғлаган аскарлар, баҳодирларга дарёлардан кўприксиз ўтиш учун «сувни вақтинча қуритиб, йўл очиб» беради. Жумладан, «навдарийлар хонадонидан бўлмиш Вишурани Вишгухитий дарёси»дан қўшини билан кўприксиз ўтказиб қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, Ардвиссура Анаҳито ҳақидаги қасидада маъбуда халқ, Ватан, яхшилик, яхши хулқ, поклик, осудалик, дўстлик, сулҳу амният, мўл-кўлчилик, дунёнинг гул-гул яшнашини таъминлаш учун курашувчи сиймо сифатида тасвирланган. Ардвиссура Анаҳито сиймоси тасвирида муболаға, сифатлаш, ўхшатиш, қиёслаш санъатлари кўп қўлланилган. Хусусан, унинг шаклу шамойили, тасвири инсон ташқи қиёфаси тасвирининг энг ёркин намунасидир. Бу қасида аждодларимиз йўналиши, бадиийлиги жиҳатидан нақадар баркамол экан... барқ жаста эканлигини тасдиқлайди ва уларда аёл сиймоси ёркин бир тарзда тасвирланганлигини кўрсатади.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**


Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!

ДЕРАЗА ОЙНАСИ УЧУН МУҲОФАЗА ПАРДАСИ

√ Ажойиб дизайн
√ Муҳофаза даражаси А1, А2, А3
√ Қўриқлаш бошқармаси томонидан сертификатланган ва фойдаланишга рухсат берилган
√ Ёнғинга ўта чидамлилик



Тошкент ш., «Қушбеги» к., 18, тел.:50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс: 50-03-61.
Дилер: Фарғона водийси, «АХСИ» ТИИФ, тел: (3732) 26-52-44, 24-19-39.



DARITAL "ДАРИТАЛ" Ўзбек-Италия қўшма корхонаси

Италия технологияси бўйича Европа сифати даражасидаги таркибий материаллардан

ЭРКАКЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЧАРМ ПОЙАБЗАЛИНИ

ишлаб чиқаради ва сотади.

Сотув - улгуржи ва чакана нархларда, бозордагидан арзон.



Италия коллекциясининг 1999-2000 йиллардаги модели.

Телефонлар:
УРГАНЧДА
(8-362) 223-39-91.
Факслар: 229-21-78,
299-10-27.
ТОШКЕНТДА 45-39-67.
Манзил: Тошкент ш., «Олмазор» кўчаси, 169-«А»
(собиқ газламалар дўкони).

2834



Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги

Республика рассомлик коллежи

2000-2001 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов асосида

қабул эълон қилади:

1. Ранг-тасвир
2. Дизайн
3. Бадиий ёғоч ўймакорлиги
4. Бадиий либос
5. Лок миниатюраси
6. Китоб миниатюраси
7. Бадиий нақш
8. Бадиий кулолчилик
9. Бутафория
10. Ҳайкалтарошлик
11. Мусиқа асбоблари устаси
12. Бадиий таъмирлаш

9 — 11-синфни тугатган ўғил ва қизларни таклиф этамиз.
Аризалар 2000 йилнинг 1 июнидан 6 июлигача қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уй.
Мўлжал: «Ҳадра» майдони билан «Халқлар дўстлиги» майдони оралиғи.
«Қоратош» бекати. Тел: 45-07-67.

2928


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Аппарат раҳбари Равиль Ваҳобович Абдуқодировга онаси
**Салима ая АБДУҚОДИРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва ҳайъати ҳамда шахсий таркиби ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Ботир Раҳматович Парпиевга отаси
**Раҳмат ота ПАРПИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси жамоаси маънавият ва маърифат бўлимининг маслаҳатчиси Билол Аминовга падари бузруквори
**МАҲМУД отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамоаси ва касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси Илмий кадрлар бошқармаси етакчи нозири Маҳпуза Асадуллаевага акаси
**Ҳабибулла АСАДУЛЛАЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

«Ўзавтосаноат» уюшмаси жамоаси уюшма бошқаруви раиси Қудрат Парпиевга падари бузруквори
**Раҳмат ота ПАРПИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Собир Раҳимов тумани ҳокими ижроия маҳкамаси ва туман ободонлаштириш бошқармаси жамоалари туман ҳокими ўринбосари, ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шомақсуд Шомансуровга турмуш ўртоғи
**Марғуба ШОМАНСУРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 376. 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбасаров.
Навбатчи — Э. Мавлонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.55 1 2 3 4 5 6